



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 191 (13453)
23 АВГУСТ
1968 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

22 августда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IV пленуми очилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1. КПСС XXIII съезди қарорлари муносабати билан қишлоқ маданиятини юксалтириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари.
2. Ўзбекистон ССРда қорвачиликнинг аҳоли ва қорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш чоралари тўғрисида.

Пленумда биринчи масала юзасидан Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов доклад қилди.

Музокараларда қуйидаги ўртоқлар сўзга чиқдилар: Андижон область партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳайдаров, Тошкент область партия комитетининг секретари Ҳ. Р. Мусахонова, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов, Самарқанд область иқроия комитетининг раиси А. А. Ҳўжаев, Сирдарё область партия комитетининг секретари М. Умбетов, Ленинград район партия комитетининг биринчи секретари У. Сатторов, Ўзбекистон ССР маданият ва ҳазорасп районидagi Нариманов номида кол-

хознинг раиси И. Дўсов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Ҳ. Абдулаева, Ўзбекистон ССР қишлоқ ҳўжалик министри Н. Ж. Худойбердиев, Бухоро область партия комитетининг секретари У. Х. Камолов, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Х. М. Носиров, Қашқадарё область иқроия комитетининг раиси И. Жалилов, Сурхондарё область «Коммунизм» колхозининг раиси Б. Омонов, «Узглавбит» бошлиғи В. Ф. Барабаш, Ўзбекистон қасаба союзи партия комитетининг секретари А. З. Завьялов, Ўзбекистон ССР алоқа министри В. И. Йўлдошев. Пленум ўз иштини давом эттирмоқда.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. НИШОНОВ доклади

Ўртоқлар! Қишлоқ маданиятини юксалтириш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ушбу пленуми муҳокамасига қуйидаги масала гўҳ муҳим аҳамиятга эгадир. Бу масала шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-тисодий ва маданий-маиший тафовутларни тугатиш юзасидан партиянинг программ вазифасини амалга ошириш билан маҳкам боғланган.

Қишлоқда маданиятнинг кириб бориши масаласига Владимир Ильич Ленин гўят катта эътибор берар эди. У ана шу вазиятда коммунизм қалабаси учун зарур бўлган замин яратишда энг муҳим проблема деб ҳисоблар эди. Партиямиз ушбу Ленин қўрсатмаларига амал қилиб, совет қишлоғини социалистик асосда ўзгартириш соҳасида катта иш қилди ва қилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини яхшилаш, уларнинг маданий савиясини ошириш масалалари ҳақида партиямиз Марказий Комитетининг диққат марказида турибди. Марказий Комитет доимо ғамхўрлик қилган масалалардир. Партия XXIII съездининг ҳўжажатларига, КПСС Марказий Комитети 1965 йил март ва 1966 йил май Пленумларининг қарорларига б-р ғамхўрлик айлانس-а зўр куч билан намоён бўлди. Ҳозирги вақтда қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини кескин юксалтириш, қишлоқ меҳнаткашларининг ўз меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда қишлоқнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётини янада ривожлантириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди.

Совет ҳўкимияти йилларида қишлоқларимиз қиёбаси, деҳқонлар меҳнатининг характер тўбдан ўзгарди. Қишлоқ ҳўжалигини ишлаб чиқарувчи кўчларнинг зўр бериб ривожланиши қишлоқ меҳнаткашнинг саводхонлиги ва маданиятини тиймай олиб боришга ёрдам бермоқда. Бу соҳада эришилган ютуқлар нақадар улкан!

* Доклад қисқартириб босилмоқда.

қандагини республикамиза мисолида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқ ҳўжалигини энг қолқ ишлаб чиқариш курали ишлатилган ва деҳқонларнинг қурутувчи оғир меҳнат қилиб, бир парча нон топан замонлар ҳақида ўзбек деҳқонларининг ёдида ачиқ хотираларини қолди. Коммунистик партия, Совет ҳўкимияти ва колхоз тузуми ўзбек деҳқонларини асрий муҳтожлик ва зулматдан бадавлат ва маданий ҳаётнинг кенг йўлига олиб чиқилди.

Революцияга қадар ўзбек қишлоғида саводли кишилар бармоқ билан саналар бўлса, эндиликда Ўзбекистон қишлоқларида олий ва ўрта маълуми мутахассисларнинг катта бир армияси, шу жумладан, 8,5-миң агроном, қарийб 7 миң зоотехник ва ветеринария ходими, 6 миң инженер ва техник, 86 миң қурутувчи, 20 миңдан кўпроқ врач ва ўрта даражадаги медицина ходими ҳамда ҳақ ҳўжалигининг бошқа қўлига мутахассислари яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Қишлоқларимиз йил сайин обод бўлиб бормоқда, маданий-оқартув муассасалари ва коммунал-маиший объектларнинг кенг шохобчасига эга бўлган янги посёлкалар қурилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон партия ташкилотини меҳнаткашларнинг маданиятини ошириш ва турмушини яхшилаш юзасидан бир қанча чораларни амалга оширди, республикадаги бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ана шу масалага қаратди. Шаҳар ва қишлоқларда б-р соҳадagi ишларнинг аҳоли партия комитетларида ва меҳнаткашлар депутатларининг Советларида бир неча бор муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми аҳолининг турмуш маданиятини янада ошириш вазифаларини ҳал қилишда катта ўрин тутди. Республика партия ташкилотлари пленум қарорларини бажара бориб, оммави ғамхўр-сўсий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг маданий савиясини ошириш ва меҳнаткашларнинг турмушини коммунистик асосда қайта қуриш иш-тини анча яхшилади.

Ленин бизда қишлоқ маданияти юксалтириш юзасидан қилган ишлари ана шу муҳим давлат вазифасини ҳал қилиш соҳасида катта ишнинг бошланғичи бўлиб қолди. Ленин ва аҳолининг таъкидлаб ўтишга, эндиликда республикамиза коммунистик асосда қайта қуриш иш-тини анча яхшилади.

ҚИШЛОҚДА МАДАНИЙ ҚУРИЛИШНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗДИРАЙЛИК

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда, техникани тарғий эттириш негизда айнаса пахта етиштиришни кўпайтиришда республикамиза эришган катта муваффақиятлар сўнгги йилларда колхоз ва совхоз қишлоқнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши учун яхши иқтисодий замин яратиб берди. Эндиликда республиканинг барча районларида, шунинг уй-қойлар, электр, газ ва водопровод, клуб, кутубхона, мактаб, кино-театр, болалар муассасалари, спорт иншоотлари бўлган шаҳар тилидаги посёлкалар бор.

1961—1965 йиллар мобайнида район марказларида, колхоз ва совхоз посёлкаларида 5 миллион 109 миң квадрат метр уй-қой қурилди, 190 километр узунликда газ шохобчалари барпо этилди, 141 совхоз ва 237 колхоз ёқлиги билан ишлашга кўчирилди. Ҳозир қишлоқда 86 миң оила газдан фойдаланмоқда. Беш йил ичда юзлаб километр узунликда водопровод шохобчаси қурилди. Эндиликда 108 колхоз ва 120 совхоз водопровод билан таъминланган. Мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, клублар, кутубхоналар, спорт иншоотлари, савдо ва маиший хизмат корхоналарини қуриш сўрачлари анча кўпайтириб юборилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумидан кейин қишлоқда қурилиш ишлари айниқса кенг қулоч ёлди. Республиканинг барча областлари ва районлари қишлоқларни қайта қуриш ишлари сезиларли даражада яхшилади, кўпгина мароқли ташаббуслар пайдо бўлди.

Масалан, Фарғона областининг колхоз ва совхозларида шу қисқа вақт ичда 10 миңдан кўпроқ тиновий уй-қойлар, 490 километр узунликда водопровод ва 107 километр узунликда канализация шохобчалари қурилди. 26 миң квартира газ билан таъминланди ва 120 миң квартира электрлаштирилди, 26 ҳаммом қурилди. Самарқанд областада кейинги 3 йил ичда 27 клуб, 70 кутубхона қурилди. Қорақалпоғистон АССРда шу вақт ичда 30 кинотеатр қад кўтарди. Сирдарё областада 130 стадион барпо этилди. Андижон областада 22 миң ўринли мактаблар ва 4 миң ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари қурилди. Тошкент областада эса 130 та савдо ва маиший хизмат корхонаси очилди.

Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозлари аҳоли яшайдиган пунктларини интенсив, комплекс тарзда қуришмоқда. Мирзачўлда, Қарши ва Шеробод даштларидаги совхозларда, Марказий Фарғонада ва Амударё этакларида қуриладиган шаҳар типидagi посёлкалар кишини айниқса қувонтиради. Миразчўлдаги 17-совхоз ва 18-совхоз посёлкасининг таърихидagi қурилишлар б-р соҳада ҳусусан диққатга сазовордир. Ҳамма ёқ обод ва кўкаламзор бўлиши, умумий қурилиш ва пардозлаш ишларининг юқори сифатли бўлиши, уй-

ЧОРВАЧИЛИК— ЖОНАЖОН ИШИМИЗ

ҚУЙ БОҚИШНИ ҚИЗИЛҚУМЛИКЛАРДАН
УРГАНИНГ

Сирдарё область, Фориш районидagi «Қизилқум» совхоз республикамиздаги маҳал чорвадор ҳўжаликлардан бири. Бу ерда иш фан ютуқлари, механизация асосида ташкил этилиши, илғор тажрибалар, прогрессив усуллар кенг қўлланилиши туфайли чорвачиликни ривожлантириш, кўп, арзон ва юқори сорт чорва маҳсулотлари етиштиришда катта муваффақиятларга эришил-етир.

«ҚИЗИЛҚУМ»НИНГ
ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРИ



Холмурод ШОҲҚОРОВ
совхознинг бош чўпони.



Аслим ҚУВОНДИКОВ
совхознинг бош чўпони.



Нурқис БОЙСЕНТОВ
совхознинг бош чўпони.



Нишон ИСТИЛЕУВОВ
совхознинг бош чўпони.

«Қизилқум» совхозининг чорвадорлари ҳақидаги материални газетанинг 3-саҳифасида ўқиниш.

(Давоми иккинчи бетда).

МАШИНАДА 100 МИНГ ТОННА

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ
МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ
БИРИНЧИ СЪЕЗДИ

Шўрчи («Совет Узбекистон» муҳбири). Бу йил ҳамма жойда бўлганидек, Сурхондарё областининг пахтакорлари ва механизаторлари ҳам йилнинг тўртинчи йилидаги ҳисобини тўлиқ асосда қилишга ҳаракат қилмоқда. Дунгдор меҳнаткашларининг, Социалистик Меҳнат Қайратлари Мамажон Дадақовнинг ота-бобо қайратини, оқ-қўронликларининг яхши ташаббуси бу ердаги меҳнаткашларнинг ҳам қайрат ва ташаббусини ҳар қачонгидан ошириб юборди.

Шўрчи районида область механизаторлари йилнинг биринчи съезди бўлди. Бу съезде ҳаммаси бўлиб 2500 киши қатнашди. Съезде доклад қилган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Муродов КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини ижтисодиётда амалга ошириш ва бу йил пахта теримини машиналаштиришда катта қадам қўйиш вазифалари ҳақида гапирди. Утган йили область меҳнаткашлари давлатга 360 миң тонна пахта берган бўлсалар, шундан 65 миң тоннаси машиналарда терилди, бу тўғрисидаги топишир 98 процент бажарилган эди. Бу йил план бўйича областьда 65 миң тонна пахта машиналарда терилиши керак. Съезд қатнашчилари бунинг ўрнига қандай 100 миң тонна пахта машиналар бунгидан тўлиқ қатъий аҳд қилдилар.

Областада 2 миңга яқин терим агрегати бор. Буларнинг ремонтини тез кун ичда тугаллаш керак. Бу йил ҳосилининг эрта етилшини муносабати билан 20 августдан дефляцияга киришилди. 25 августга 15 миң гектар, 1 сентябрга 15 миң гектар ердаги гўза дорини секириш планлаштирилган. Машиналар билан мумкин қадар кўпроқ пахта териш учун ҳаммаси бўлиб 80 миң гектар ерда дефляция ўтказилди. Барча ҳосил биринчи сортга топишилади. Область бўйича давлатга пахта топириш плани 40 кунда яъни 5 октябрга бажарилади.

Область механизаторлари йилнинг биринчи съезидagi ободига барча меҳнаткашларга қарата қабул қилган мурожаатида ана шу вазифалар баён этилди. Бунинг муваффақиятли бажаришда ҳаммамизнинг актив қатнашини, пахта фронтдан ҳеч ким четда қолмаслиги таъкидланди. Мурожаатда дефляцияларнинг б-р йил машиналарда 30 миң тонна, шўрчиликларнинг 30 миң тонна, сарибсёликларнинг 25 миң тонна пахта машиналарда терилиб олиш юзасидан берган вазифаларни алоҳида қўрсатилиб, улар билан тенгшиш учун бошқа ҳамма пахтакорлар мусо-бақача қаққилди.

А. ХАЛИЛОВ.

ҚҲРҚ ЕРДА ЭГИЛУВЧАН ШЛАНГЛАР ЗАВОДИ

Янгиерда сугориш шланглари заводининг кўриш лойиҳаси тузилди. Завод қилига бир миң километр эгилувчан кувур ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Маълум, бундан шланглар Ўзбекистонда кенг қўлланилмоқда. Ленин ҳонига қадар ана шундай станоклар бошқа республикалардан келтирилган эди. Янги корхона ўз маҳсулоти билан Миразчўлни, шунингдек республикадаги бошқа қўриқ районларни таъминлайди.

Эгилувчан кувур билан сугориш усули гўят самаралидир. Шлангларнинг қўлланилиши тўғрисидаги ботқоқлашиб қетишига ва шўр босишига дўл қўймайди. Одатдаги сугоришга нисбатан икки-уч баравар унумлидир.

Янгиердаги завод келгуси йилда ўзининг дастлабни маҳсулотини бериши лозим. (ЎЗТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси 24 август эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлисида очилди. Депутатлар соат 9 дан рўйхатга жамилас.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқлар кенгашининг мажлиси 24 август эрталаб соат 9-30 минутда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлисида залида очилди.

ТАБРИК

КПСС Марказий Комитетининг бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Николас Чаушескуга, Руминия Социалистик Республикаси Давлат

РУМИНИЯ ОЗОД ҚИЛИНГАН
КУНИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН

кенгашининг Раиси Киву Стойкега, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ион Георге Маурерга табриқнома йўлладилар. Улар миллий бай-

рам — Руминия фашистлар зулмидан озод қилинган кунининг 22 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети, бутун совет халқи номидан қардош румин халқини самимий кутладилар. (ТАСС).


ЎЗБЕКИСТОН ХўЖАЛИКЛАРИ ҒўЗА БАРГИНИ ТўҚТИРИШГА ШАЙ

Ўзбекистон хўжаликларидagi ғўза баргини тўктиришга тайёргарлик тугалланди. «Зангори кема»лар учун иш мадонини тайёрлаб берувчи ана шу муҳим агрегатедаги усулнинг қарийб бир миллион 280 миң гектар майдонда амалга

ошириш кўзда тутилди. Бу эсга ўтган йилдаги нисбатан 200 миң гектардан зиёд кўпдир. Заҳарли химикатлар ташиб келинди, Волгоград, Иркутск, Фарғонадаги ва бошқа химия комбинатлари ана шу заҳарли химикат-

ларини етказиб беришди. Қозоғистон, Россия Федерацияси, Шимолий Кавказ, Латвиядан келган қишлоқ хўжалик авиациясининг самолётлари «Зангори кема»лар учун маршрутлар очиб берадилар.

Сигналичларга инструктор бериш тугалланмоқда. Кўпгина хўжаликларда кукунсимон химикатларни самолётларга ортадан янги серуун шиели машиналар ўрнатилди. (ЎЗТАГ).



Республикамиза колхоз ва совхозларда чорва қишлоғига пухта тайёргарлик қуриш, мустақкам ем-хашак базаси вужудга келтириш учун кўриш ишлари давом эттири. Кўлаб дағал хашак тайёрлангил. Машинахори ўриб-йиғиб олиниб, ундан ширани ва тўйимли озуна—сигос боси. М. Иброҳимов фотоси.

